







МАҲАЛЛАМИЗ ЧЕМПИОНЛАРИ

БОЛА ТЕНГДОШИДАН ИБРАТ ОЛАДИ



Олмасор туманидаги 111-умумтаълим мактабининг 6-синфида тахсис олаётган Муҳаммадхон Нусратов...

кетмади. Республикада ўтказилган болалар ва ўсмирлар ўртасидаги мусобақаларда бир неча бор ғолиб бўлиб, Ўзбекистон чемпионлигига эришди.

кўлаб ютуқларни, совринли ўринларни қўлга киритиб, маҳаллаимиз фахрига айланди. Унинг шода-шода олтин медаллари маҳаллаимиз болаларида ҳавас ва ифтихор туйғуларини уйғотди.

нинг ана шу эзгу ният йўлидаги интилишларини кўриб ҳавасингиз келади. — Эришган ютуқларим учун устозим Маҳкам Аъзамовдан миннатдорман, — дейди Муҳаммадхон Нусратов.



Бино қулаб тушди

Бангладеш пойтахти Дакка шаҳри яқинида жойлашган саккиз қаватли «Rana Plaza» мажмуаси қулаб тушди.



Бунинг оқибатида 70 киши ҳалок бўлиб, 600 га яқин одам турли даражада жароҳатланди.

нинг «BSS» ахборот агентлиги хабар берган. Мажмуада тикув фабрикаси, банк ва кўлаб дўконлар жойлашган эди.

Қашшоқлик чекинмоқда

Халқаро молия ташкилотининг маълумотларига қараганда, 1981-2010 йиллар оралиғида ривожланаётган мамлакатларда қашшоқликда кун қурайдиган аҳоли сони 30 фоизга камайиб, бу кўрсаткич умумий аҳоли сонининг 50 фоизидан 21 фоизгача тушган.

Аммо ушбу ҳолат ҳамма жойда ҳам бир хил эмас. Африканинг жанубий Сахара ҳудудидagi аҳоли орасида камбағаллар сони дунёдаги жами ночор одамларнинг учдан бири қисмидан ҳам ортиб кетган.

Қашшоқ аҳолининг учдан бири қисми эса Ҳиндистонда яшайди. Бу ҳақда «Indian express» газетаси хабар берди.

Яроқсиз қўл телефони


«China Business Journal» нашрининг хабар беришича, 8 миллион донга яроқсиз «iPhone» смартфонлари «Foxconn» заводига қайтарилган.



Маълумотларга кўра, смартфонларнинг нуқсонларини бартараф этиш ва бошқа харажатлар «Foxconn»га 160-260 миллион долларга тушади.

Операция учун «супер елим»

АҚШнинг Гарвард университети олимлари суперёпишқоқ биопластик яратишди.



Бу пластик яраларни жарроҳлик скобелари сингари яхши ёпиштиради.

Олимлар пластик микроингнани яратишда чувалчангларнинг «тиш»ларидан аниқлашди.

Энг кекса киши

Дунёдаги энг кекса инсон — япониялик Дзирозмон Кимура 116 ёшни қарши олди.

Шу муносабат билан унга Гиннесс Рекордлар китобида сертификат топирилди.

Айни пайтда унинг аҳволи ёшига нисбатан жуда яхши, деб баҳоланамоқда.

Интернет хабарлари асосида Ниулуфар ЮНУСОВА тэйёрлади.

СПОРТ

Жаҳон чемпионатида ҳозирлик



Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси жорий йилнинг 21 июнь — 13 июль кунлари Туркия мезбонлик қиладиган жаҳон чемпионатида пухта тайёрларлик кўриш мақсадида навбатдаги ўқув-машғулот йиғинини Португалияда ўтказди.

Жамоа бош мураббийи А.Мусаев 20 ёшча бўлган 18 нафар футболчининг имкониятларини синаб кўрди.

тутақчилар дарвозасига жавобсиз иккита тўп киритишди. А.Юсупов 33-дақиқада ҳисобни очган бўлса, уйин якуниниши арафасида А.Махталиев рақиблар дарвозасини ишғол қилди.

Узбекистон ва Португалия ёшлар терма жамоаларининг иккинчи учрашуви 25 апрель кунин Тондела шаҳрида ўтказилди.

Яна икки полвонимиз — чемпион!



Деҳли шаҳрида катталар ўртасида ўтказилган эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича Осиё чемпионатида Р.Қурбонов ва У.Исманов эркин кураш бўйича олтин медални қўлга киритди.

Етти вази тоифасида ўтказилган эркин кураш баҳсларида жами 96 нафар полвон тилмага чиқди.

И.Инокентьевни мағлубиятга учратди. Финалда китба чемпионати совриндори Ч.Жанг (Хитой) устидан зарфар қўчган ҳамюртимиз терма жамоамиз ҳисобига олтин медал келтирди.

Тошкент шаҳар Ҳамза тумани «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғини жамоаси йиғин раиси Хонзода Абдуҷамиловага ўғли ЖАВОҲИРНИНГ вафоти муносабати билан ҳамдаралик билдиради.

«ОИЛА-МАҲАЛЛА-ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ» ҲАМКОРЛИГИ

ТАРБИЯ БАРЧАГА ДАХЛДОР ЮМУШ



Баркамол авлодни тарбиялашда оила, маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлиги концепцияси ҳар бир боланинг ҳаётда ўрнини топиб, ўз бахти учун замин яратишига, эл-юрт олдидаги масъулиятини сеза оладиган инсон бўлишига қаратилгани билан эътиборлидир.

Бешариқ тумани «Шодик-обод» маҳалласида жойлашган 49-умумтаълим мактаби ибратли ўқув масканлари қаторида тилга олмишни бежиз эмас.

рифий ишлар бўйича уринбори Дилшод Султонов. — Бунда хонадон соҳиблари ўқувчининг лаёқатига тўғри ёндашиб, уни қайси касб-ҳунар коллежига йўналтиришдан ташқари, дарсдаги ютуқ ва камчиликлари, давоматидан ҳам мунтазам хабардор бўлиб боради.

бетга олган ҳолда, уларнинг жисмонан соғлом бўлиб ёпишишни таъминлаш мақсадида мактаб раҳбарининг ўзи спорт машғулотлари ўтказишида бошқоч. Турли ютуқларга эришган спортчилар билан ушатирилаётган учрашувлар болаларнинг қизиқишини янада кучайтирмоқда.

КЎРИК-ТАНЛОВ

Намунали оилалар рағбатлантирилди

Термиз шаҳрида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди шаҳар бўлими, хотин-қизлар кўмитаси ва «Истиқболли авлод» ёшлар ахборот-маърифат маркази ҳамкорлигида «Энг намунали оила», «Маҳалла — бизнинг уйимиз» ва «Энг яхши қайнона ва келин» кўрик-танловларининг шаҳар босқичи ўтказилди.

«Энг намунали оила» кўрик-танловида «Байналмидал» маҳалла фуқаролар йиғинидан Майрам Бойкеддиева хонадони ғолиб чиққан бўлса, «Маҳалла — бизнинг уйимиз» танловида кам таъминланган оилаларга ҳомийлик ёрдами курсатиб келаётган «Гарм» маҳалласидаги Сафаргулу Худойқулова оиласи кўпчиланинг эътирофига эришди.

салтиришда хотин-қизларнинг ўрни масаласи тадбирнинг бош шарти қилиб қўйилган «Энг яхши қайнона ва келин» кўрик-танловида эса «Жўйи-жангал» маҳалла фуқаролар йиғинидан Наботой Олимова хонадони аъзолари биринчи ўринга муносиб қўрилди.

Муҳаммадхон АЗИМОВ «Mahalla»

«УКТАМХОН НУР ЗИЁ» ўқув маркази ўқишга таклиф қилади!

Table with 4 columns listing various courses and their durations, such as Uzbek national costumes, Uzbek national dishes, and Uzbek national dances.

Манзил: Тошкент шаҳар, Юнусовда 3-маъна, 1-уй, 31-хона. Мўлажал: Юнусовда деҳқон бозори бош томон орқасида.







